"Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси давом этмоқда

Унга кўра, юртимизни экологик таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш мақсадида барча ҳудудларда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси тадбирлари мунтазам ташкил этиб келинмоқда.

Лойиҳа доирасида Шеробод туманида жорий йил баҳор мавсумида 728 118 туп мевали манзарали дарахт кўчат ҳамда қаламчаларини экиш режалаштирилган бўлиб, айни кунга қадар 130 мингдан ортиқ кўчат ва қаламчалар ўтқазилди.

Кунлик кўчат экиш ишлари туманда жадаллик билан амалга оширилаётган бўлиб, тумандаги ҳар бир ташкилот ва корхоналар лойиҳа ижросини таъминлашда фаоллик кўрсатишмоқда.